



« 31 » март 2022 й

**БУЮРТМАЧИ:**

## **«Янгиқўрғон туман» Ҳокимияти**

Янгиқурғон тумани ҳокимлиги 22.02.2022 йилдаги 1-сонли васийлик кенгашининг йигилиш баёнига асосан Инкубатор сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Янгиқўрғон туман-2022**

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Янгиқўрғон туманидаги ёшлар дафтарига кирган ёшларга Инкубатор сотиб олиш учун ишлаб чиқарувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати -- 93 600 000 сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Янгиқурғон туман” Ҳокимлиги (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160600, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Янгиқурғон тумани, Мустақиллик майдони кўчаси 1- уй

Эл.адрес: \_\_\_\_\_

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, махсулот ни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, ҳусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
"Янгикурган туман" ҳокимлиги

Б.Қурайсинов

«31» декабрь 2022

Янгикурган туманидаги ёшлар дафтарига кирган ёшларга Инкубатор сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Янгикурган тумани ҳокимлиги 22.02.2022 йилдаги 1-сонли васийлик кенгашининг йигилиш баёнига асосан Инкубатор сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.
2	Буюртмачи	Янгикурган туман ҳокимлиги
3	Буюртма учун асос	22.02.2022 йилдаги 1-сонли васийлик кенгашининг йигилиш баёни
4	Объектнинг жойлашган манзили	Янгикурган тумани Мустакиллик майдони кўчаси 1 уй
5	Катнашувчи учун талаблар	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Шу соҳада иш тажрибаси булиши</li><li>2. Белгиланган муддатда етказиб бериши</li><li>3. Ушбу махсулотлар ҳақиқатдан ҳам етказиб берувчининг склади булиши.</li><li>4. Махсулот учун сертификат(ёки унинг урнини босувчи хужжатлар) булиши.</li></ol>
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 93 600 000 (Тўқсон уч миллион олти юз миғ) сўмлик режалаштирилган.
7	Товар тури	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Инкубатор фермерский с автоматическим переворотам яиц "EGG BOX" - 13 дона</li></ol>
8	Товарларни етказиб бериш муддати	2022 йил 31 декабргача
10	Молияташтириш манбаи	Янгикурган туман ҳокимлиги